O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №
061108




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 18 ноябрь, № 224 (4634) Сешанба


## Ўзбекистон-Малайзия:

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

**Аввал хабар қилинганидек, Малайзия Бош вазири Абдулла бин Ҳожи Аҳмад Бадавий 16 ноябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди**



Малайзия — Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиёдаги ишончли шерикларидан. Мамлакатларимиз ўртасида ўхшаш жиҳатлар кўп. Аввало, Малайзия халқининг ўзбеклар каби меҳмондўстлиги, табиатга алоҳида меҳри ва меҳнаткашлигини таъкидлаш жоиз.

Мустақиллик йилларида халқимиз саноатнинг янгидан-янги, мураккаб технологияли соҳаларини ўзлаштириш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва кенгайтириш йўлида улкан муваффақиятларга эришмоқда. Бунга автомобилсозлик, тўқимачилик, маиший электроника соҳаларидаги ютуқларимиз яхши мисол бўла олади. Нефть-газ, пальма ёғи ва қалайи захираларига бой Малайзия ҳам ўз даврида «хомашё базаси» бўлган. Бугун у жадал тараққий этаётган мамлакатдир.

Ўзбекистон-Малайзия ҳамкорлиги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги ўзаро манфаатдорликка асосланади. Айни пайтда ушбу мамлакат билан муносабатларни ривожлантириш нафақат икки томонлама, балки кўп томонлама алоқалар кўламини кенгайтиришга хизмат қилади. Малайзия — Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмасининг (АСЕАН) етакчи аъзоларидан. Бу Ўзбекистон учун Жануби-Шарқий Осиё минтақаси билан муносабатларни ривожлантиришда муҳим омилдир. Айни пайтда Малайзия Ислом конференцияси ташкилотининг (ИКТ) энг фаол ва нуфузли аъзоларидан. Мамлакатларимиз ушбу ташкилот доирасидаги ҳамкорлик орқали ислом дунёси давлатлари билан алоқалар кўламини кенгайтиришнинг янги имкониятларини очиши мумкин. ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинганини Малайзияда катта мамнуният билан қабул қилинганини, шу муносабат билан юртимизда ўтказилган йирик халқаро анжуманларда Малайзиядан нуфузли делегациялар қатнашганини таъкидлаш жоиз.

Мамлакатларимиз халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб, ташаббусларини ёқлаб келади. Ўзбекистон БМТ ҳузуридаги тузилмаларга аъзолик борасида кўп маротаба Малайзиянинг номзодини ёқлаган: 1997 йили — ЭКОСОСга, 1998 йили — Хавфсизлик кенгашининг нодоимий аъзолигига, 1997, 2001 ва 2005 йиллари — Югославия бўйича халқаро трибуналга, 2003 йили — Руанда бўйича халқаро трибуналга, 2004 йили — Хотин-қизларга нисбатан барча камситишларга барҳам бериш қўмитасига, 2008 йили — «Кодекс Алиментариус» комиссияси раислигига. Ўзбекистон 2007 йилда Малайзиянинг Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти Ижроия кенгаши аъзолигига номзодини ёқлади. Малайзия Ўзбекистон раҳбарининг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш, Марказий Осиё умумий бозорини ташкил қилиш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлайди, 2006 йили мамлакатимизнинг Осиёда ҳамкорлик бўйича мулоқотга аъзолигини ёқлади.

Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида олий даражадаги ташрифлар мунтазамлик касб этгани икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканидан далолатдир. Бунинг тасдиғи учун сўнгги йилларда бўлиб ўтган саммитларни таъкидлаш кифоя. 2003 йили Малайзия Қироли Туанку Саййид Сирожуддин Жамалуллайл зоти олийлари Ўзбекистонга келган бўлса, 2005 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Малайзияга ташриф буюрди. Малайзия Бош вазири Абдулла Бадавийнинг Ўзбекистонга ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишончга, икки томонлама манфаатдорликка асосланган ана шу муносабатларни янада ривожлантириш, янги мазмун билан бойитиш йўлидаги яна бир қадамдир.

Ташрифнинг асосий воқеалари 17 ноябрь куни бўлиб ўтди. Дўрмон қароргоҳида олий мартабали меҳмонни кутиб олиш маросими бўлди. Малайзия Бош вазири шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Абдулла Бадавий шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Малайзиянинг давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Абдулла Бадавий фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти ва Малайзия Бош вазирининг якка-маякка суҳбати бошланди. Унда икки томонлама сиёсий муносабатларни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Ўзаро алоқаларни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш билан боғлиқ ҳамда халқаро аҳамиятга молик қатор масалаларда Ўзбекистон ва Малайзиянинг қарашлари ўхшаш ёки яқин эканлиги қайд этилди.

Ислом Каримов ва Абдулла Бадавий АСЕАН ва ИКТ доирасидаги ҳамкорлик масалаларини ҳам муҳокама қилдилар. АСЕАН доирасидаги алоқалар юқори технологияларни ўзлаштириш, Ўзбекистон маҳсулотларини Жануби-Шарқий Осиё бозорларига олиб чиқиш ва ушбу минтақадан мамлакатимизга сармоя жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда халқаро терроризм, диний экстремизм таҳдиди тобора ошаётган ҳозирги вақтда ИКТ доирасидаги ҳамкорлик ҳам жуда долзарбдир.

Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон ва Малайзиянинг бу муаммога ёндашуви ўхшаш. Икки мамлакат ҳам Афғонистонда тинчлик ўрнатиш учун кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш, иқтисодиётни оёққа турғазиш, аҳолини иш билан таъминлаш масалаларига устувор аҳамият бериш зарурлигини таъкидлайди.

Ислом Каримов ва Абдулла Бадавийнинг Ўзбекистон ва Малайзия расмий делегациялари иштирокида ўтган кенгайтирилган тартибдаги музокарасида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг август ойида Куала-Лумпурда ташқи сиёсат маҳкамаларининг маслаҳатлашуви доирасида Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий ва сармоявий салоҳиятига оид тақдимот ҳамда бизнес-форум бўлиб ўтди. Бундай анжуманлар ишбилармонлар ўртасидаги бевосита алоқаларни ривожлантиришга, бир-бирининг имкониятлари ҳақидаги ахборот ва маълумот кўламини кенгайтиришга хизмат қилади. Шундай саъй-ҳаракатларнинг самараси туфайли сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида товар айирбошлаш ҳажми муттасил ўсиб бормоқда. Лекин бу Ўзбекистон ва Малайзия ҳамкорликнинг барча имкониятларидан тўлиқ фойдаланаётганини англатмайди. Ўзбекистоннинг экспорти асосан транспорт ва сайёҳлик хизматидан иборат. Малайзиядан эса электрон ускуналар, пальма ёғи, каучук ва резина буюмлар келтирилади. Аслида эса икки мамлакатда ҳам бу рўйхатни анча кенгайтириш имконияти мавжуд.

(Давоми 2-бетда).

*Хорижий давлатлар оммавий ахборот воситалари мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётига бағишланган мақолалар чоп этишда давом этмоқда.*

# ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁ МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

▼ **Биз ва жаҳон**

Жумладан, «Ҳиндистон-МДҲ» савдо-саноат палатасининг нашри бўлган **«India-CIS»** журналининг навбатдаги сонида Ўзбекистонга алоҳида эътибор қаратилган. Нашрда жорий йил 16-17 сентябрь кунлари Деҳлида бўлиб ўтган Ўзбекистон-Ҳиндистон ҳукуматлараро комиссиясининг 8-йиғилиши ҳақида маълумот берилган. Журналхонлар эътиборига икки томонлама савдо-иқтисодий алоқалар ҳамда мамлакатимизнинг савдо ва сармоявий салоҳияти ҳақидаги ахборотлар ҳавола этилган.

**«India-CIS»** журнали Ҳиндистон бизнес доиралари вакилларига мўлжалланган бўлиб, уларни МДҲ мамлакатларининг иқтисодий ҳаёти билан таништиради, тадбиркорлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга кўмаклашади.

Ҳиндистоннинг яна бир нуфузли нашри — **«Political Events»** ҳафтаномаси «Ўзбекистоннинг Орол денгизи захираларини тежаш борасидаги саъй-ҳаракатлари» деб номланган мақолани эълон қилди. Унда таъкидланишича, Ўзбекистон Орол денгизи минтақасидаги аҳволни яхшилаш бўйича муҳим тадбирларни қабул қилган бўлиб, улар сув манбаларидан оқилона фойдаланиш, сувни тежаш технологияларини кенг жорий этиш, Орол денгизи минтақаси экологиясини асраш, минтақа аҳолисини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, халқаро ёрдамни жалб қилиш каби чоралардан иборат.

«Ўзбекистоннинг фикрича, Орол денгизининг тақдири Марказий Осиё давлатларига минтақанинг иқлим ўзгариши оқибатида камайиб бораётган сув захираларидан оқилона фойдаланиш кераклигини эслатиб турувчи омил бўлиб қолиши керак, — дейилади журналда. — Айни пайтда Айдар-Арнасой кўллар тизимида ҳам мушкул экологик вазият юзага келган бўлиб, у ерда сув ҳажмининг камайиши ва шўрланиш даражасининг ошиши кузатилмоқда. Бунинг оқибатида Орол денгизининг қуриши билан тенг бўлган экологик инқироз юзага келиши ва у нафақат Ўзбекистон, балки Қозоғистонга ҳам ўз салбий таъсирини ўтказиши мумкин».

Айнан мана шу мавзу Мисрда чоп этиладиган **«Абулҳавл ад-Давлия»** газетаси саҳифаларида ҳам ёритилган. Бугунги кунда Марказий Осиёда сув танқислиги муаммоси мавжуд бўлиб, минтақани сув билан таъминлайдиган дарёлар — Амударё ва Сирдарёда кўп йиллардан буён оқаётган сув меъёрининг бугунги кунда атиги 70 фоизи борлигини қайд этар экан, газета бундай ҳолат минтақа мамлакатларининг ичимлик ва қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган сув билан таъминланиш борасидаги имкониятларига зарар етказишини таъкидлайди.

(Давоми 2-бетда).

▼ **Менинг Конституциям**

***Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий ислоҳотларда оилани мустаҳкамлаш, ёш авлодни жисмонан ва руҳан соғлом тарбиялаш муҳим ўрин эгаллайди. Президентимиз таъкидлаганидек, Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас саналган.***

# ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Зеро, оила фаровонлиги — миллий фаровонлик асосидир.




Оила, оналик ва болалик муҳофазаси мамлакатимизда давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири саналади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бутун бир бобининг оилага бағишланганлиги бунинг яққол далилидир. Қолаверса, айнан мазкур норма асосида қабул қилинган Оила кодекси ва бошқа тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар замирида инсон манфаатлари ва унинг ижтимоий ҳимояси нуқтаи назаридан, оила ва унда вояга етадиган ёш авлоднинг маънавий-моддий баркамоллиги туради. Чунки келажак авлод айнан оилада камол топади, ўзи туғилган ва вояга етган оиласи орқали дунёни танийди. Шу боис ҳам оиланинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлиши жамият ва давлат ривожига бевосита таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга, оила давлат муҳофазасида бўлиши ҳақидаги қоида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида давлатлар зиммасига юклатилган муҳим вазифалардан биридир. Бунда оилани жамиятнинг табиий ва асосий қуйи бўғини сифатидаги дахлсизлигини таъминлаш, болаларга таълим-тарбия бериш, оналар ва ишга яроқсиз оила аъзолари учун зарурий моддий имтиёзлар бериш ва бошқа масалалар назарда тутилади.

(Давоми 2-бетда).

# Мамлакат бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



***Навоий вилоятидаги "Қизилқум" фосфорит комплексида Германиянинг "Ingineering Dobersec GmHB" фирмаси билан ҳамкорликда фосфорит рудасини ювишга мўлжалланган янги технология ишга туширилди.***

## Илғор технология экологияни яхшилайди

■ Бу ерда қайта ишланган маъданлардан сифатли фосфор уни ва концентрати тайёрланмоқда. Илғор технологиянинг фосфорит концентрати таркибидаги хлорни 0,04 фоизга камайтириш хусусияти экологияни яхшилашга ёрдам беради.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ёшларга кўмак – истиқболга сармоя

*Нишон туманида ёшларни банк кредитлари билан қўллаб-қувватлаш яхши йўлга қўйилган.*

■ Жорий йилнинг ўтган даврида Миллий банкнинг туман бўлими 5 та оилага 165 миллион сўм ипотека, 13 та оилага 57 миллион сўм истеъмол кредитлари ажратди. 164 нафар ёш оила эса банкнинг 457 миллион сўмлик кредити эвазига чорва молига эга бўлди.

"Микрокредитбанк" туман бўлимининг 165 миллион сўмлик кредити тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган 84 нафар ёшни сармоядорга айлантирди.

**Бўри НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Тиббий соҳа ривожи йўлида

■ **Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар аҳоли фаровонлигини янада яхшилашга қаратилмоқда. Тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бермоқда.**

**Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Б. Янгибоев бошқарган йиғилишда соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, соҳада олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, даволаш муассасаларида замонавий технологияларни кенг қўллаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашни янада яхшилаш масалалари хусусида сўз юритилди.**

(Давоми 2-бетда).



***Юртимизда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг замонавий усул ва воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда жамоат хавфсизлиги ва фуқаролар осойишталигини таъминлашнинг самарали тизими яратилган.***

## Осойишталикнинг навқирон посбонлари

■ Бу жараёнда тизим шахсий таркибини юксак малакали, профессионал кадрлар билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсида ҳар жиҳатдан чиниққан, юртимиз тинчлиги, фуқароларимиз осойишталигини таъминлашга қодир, малакали ходимлар тайёрланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# Экспорт салоҳияти ошмоқда

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**2008** йилнинг тўққиз ойи давомида мамлакатимизда экспорт ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан **62,9** фоизга ошди.



Рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эътиборни қаратиш, Инвестиция дастури ижроси йўлида изчил фаолият юритиш ҳисобига ана шундай ўсишга эришилди.



Халқ сўзи

## Ўзбекистон-Малайзия:

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сармоявий соҳадаги ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Президент Ислом Каримовнинг 2005 йилдаги Малайзияга давлат ташрифи асосида нефть-газ конларини ўрганиш ва ўзлаштиришда ҳамда тўқимачилик, мебелсозлик ва электротехника соҳаларида янги қўшма корхоналар ташкил этишда сармоявий ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган келишувларга эришилган эди. Айни пайтда мамлакатимизда Малайзия сармоядорлари иштирокида тузилган 22 корхона фаолият юритмоқда. Улар нефть-газ («UzMalOil», «Petronas Carigali Operating Company»), тўқимачилик («Малика Тиэлвэй», «Зобит», «Фикентекс»), мебелсозлик («Файз Минт Плаза»), электротехника («Алгоритм-Малайзия»), молия хизмати кўрсатиш («UzbekLeasing International») соҳаларида фаолият юритади.

Сармоявий соҳада Малайзиянинг «Petronas» корпорацияси билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Орол денгизининг Ўзбекистонга қарашли ҳудудида, Устюрт платоси ва Сурхондарёдаги сармоявий блокларда геологик тадқиқотлар олиб борилмоқда, янги конлар очилмоқда, тозаланган метандан синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқарадиган завод қурилиши бўйича лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилмоқда. Умуман, «Petronas»нинг Ўзбекистонга киритадиган сармояси ҳажми қарийб 2 миллиард АҚШ долларига етиши кутилмоқда.

Музокарада савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, хусусан, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва қўшма корхоналарни кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди. Икки мамлакат иш одамларининг банк-молия, транспорт, сайёҳлик, ахборот технологиялари, маиший электроника, кимё, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги каби соҳалардаги бевосита ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов Малайзия томонига транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Навоий аэропорти негизида барпо этилган халқаро логистика марказидан фойдаланишни таклиф этди. Бу Малайзия учун Марказий Осиё давлатлари бозорларига йўл очган бўлур эди. Абдулла Бадавий бу таклифни қўллаб-қувватлаб, ўз навбатида Малайзия Ўзбекистон учун Жануби-Шарқий Осиё бозорларига кўприк вазифасини ўташга тайёр эканини таъкидлади.

Музокарада қишлоқ хўжалиги соҳасида Малайзиянинг илғор биотехнологияларидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистонда Малайзиянинг электроника жиҳозлари ва ахборот-коммуникация техникаси ишлаб чиқарадиган йирик компаниялари филиалларини очиш имкониятлари кўриб чиқилди.

Томонлар гуманитар ҳамкорликка ҳам эътибор қаратдилар. Айни пайтда кадрлар малакасини ошириш борасида фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳозиргача ўзбекистонлик уч юздан зиёд мутахассис Малайзиянинг техникавий ҳамкорлик дастури доирасида турли курслар ва семинарларда иштирок этди.

2006 йили Малайзия Олий таълим вазирлиги делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида олий таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро меморандум имзоланди. Ўзаро англашув меморандумларига мувофиқ, «Истеъдод» жамғармаси билан Малайзия очиқ университети, Тошкент ахборот технологиялари университети билан Малайзия мультимедиа университети ўртасида бевосита ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бундан ташқари, миллий кутубхоналар, академик доиралар, қатор илмий-тадқиқот муассасалари ўртасида ўзаро алоқа ўрнатилди.

Маданий-маънавий яқинлик ва ривожланган сайёҳлик инфратузилмаси Ўзбекистондан Малайзияга, Малайзиядан Ўзбекистонга сайёҳлар оқимини кўпайтиришда муҳим омил бўлади.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Малайзия ҳукумати ўртасида Қўшма баёнот қабул қилинди. Мамлакатларимиз ўртасида олий таълим соҳасида ҳамкорлик ҳамда илмий ва технологик ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро англашув меморандумлари, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Petronas Carigali» компанияси ўртасида нефть-газ соҳаси учун кадрлар тайёрлашда ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум, «Ўзбекнефтгаз» ва «Petronas Carigali Overseas» компаниялари ўртасида тузилган Сурхон сармоя блокида геология-разведка ишларини амалга ошириш бўйича битимнинг кучга кириши тўғрисидаги протокол имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Абдулла Бадавий музокаралар ўзаро ҳамкорликнинг янги саҳифаларини очишини, эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Малайзия халқларининг манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар.

— Малайзия Бош вазирининг Ўзбекистонга расмий ташрифи икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилиши ва ҳамкорликка янги суръат бахш этиши шубҳасиздир, — деди Ислом Каримов. — Мамлакатларимиз халқларини муштарак анъана ва қадриятлар бирлаштириб туради. Музокараларда икки томонлама муносабатларга доир масалалар, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашдик.

— Ўзбекистонга ташрифимиздан кўзланган мақсад ўзаро муносабатларни ривожлантириш, бизнес вакилларининг тўғридан-тўғри алоқаларини рағбатлантиришдан иборат, — деди Абдулла Бадавий. — Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми муттасил ошиб бормоқда, сармоявий ҳамкорлигимиз ривожланмоқда. Лекин ҳамкорлик учун ҳали кенг фаолият майдони мавжуд. Минерал ресурсларни, энергия манбаларини ўрганиш ва ўзлаштириш, сайёҳлик каби соҳаларда ҳамкорлик суръатини ошириш тарафдоримиз.

Шу куни Малайзия Бош вазири Абдулла Бадавий Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳуррриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

«Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Petronas» корпорациясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришда ушбу корпорация алоҳида ўрин тутиши таъкидланди. «Petronas» ва Ўзбекистон компаниялари ҳамкорлигида янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

1974 йил ташкил этилган мазкур йирик трансмиллий корпорация ҳозир 30 мамлакатда фаолият юритади. Дунёдаги энг қудратли 500 корпорация сафида турувчи «Petronas»нинг фаолият доираси жуда кенг. Булар нефть ва газ конларини ўрганиш ва ўзлаштириш, нефть ва газни қайта ишлаш, нефть маҳсулотлари ва суюлтирилган газ савдоси, маркетинг тадқиқотлари ўтказиш билан боғлиқ кўплаб тадбирлардир.

Абдулла Бадавий «Абулқосимхон» мадрасасига ташриф буюриб, халқ ҳунармандлари буюмлари кўргазмасини кўздан кечирди.

Олий мартабали меҳмон пойтахтимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан қайта қад ростлаган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуини зиёрат қилди. Олий мартабали меҳмон Ҳазрати Имом жомеъ масжиди билан танишди, Мўйи муборак мадрасасида бўлди, бу ерда сақланаётган муқаддас Қуръоннинг энг нодир қўлёзмасини — Усмон Мусҳафини кўздан кечирди.

Малайзия Бош вазири ушбу мажмуадан катта таассурот олганини таъкидлаб, Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида аждодлар меросини тиклаш, асраб-авайлаш ва бойитишга алоҳида эътибор қаратилаётганини, улуғ аллома ва азиз-авлиёларнинг муқаддас қадамжоларини таъмирлаш ва ободонлаштириш, бой илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш, айниқса, ёшлар онг-шуурига сингдириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини алоҳида қайд этди.

Малайзия Бош вазири Абдулла Бадавийнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**
**Сарвар ЎРМОНОВ**
**олган сурат.**

---

Бугун — "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган кун

***Она Ватанимиз шон-шуҳрати, халқимизнинг буюк ўтмиши ва дилимиздаги эзгу орзу-умидларни ифода этувчи тимсоллар кўп. Бизни эркин ва озод эл сифатида дунёга танитган муқаддас тимсол — Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи эса ҳар биримизнинг фахримиз, ғуруримиз рамзидир.***

# ОЗОД ВА ЭРКИН ҲАЁТИМИЗ РАМЗИ

Зотан, юрт шаънини юксалтириш орзусидаги ёшларимиз, энг аввало, Ватанимиз куч-қудратини жаҳон миқёсида намоён этиб, она юрт байроғини улуғласам, дейди. Фарзандларининг юрт байроғини баланд кўтариб, уни тавоф этиши оналар кўнглини фахр-ифтихорга тўлдиради.

Ватаннинг улуғ номини, унинг буюк ўтмиши ва куч-қудратини ифода этувчи тимсолнинг қадри шундайин беқиёсдир!

Барчамизга аёнки, Давлат байроғи мамлакат суверенитети, эрки ва озодлиги рамзи ҳамдир. Бу "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуннинг 2-моддасида белгилаб қўйилган. Давлат байроғидаги ўзига хос маънога эга рамзлар эса миллатимизнинг буюк ўтмишини, халқимизнинг юксак маънавий қиёфасини ифода этади. Бинобарин, Юртбошимизнинг "Давлатимиз рамзлари — байроқ, тамға, мадҳия Ўзбекистон халқининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради, мана шу рамзларни эъзозлаш ўзининг қадр-қимматига, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш демакдир", деган сўзларидан ҳам буни англаш мумкин.

Давлатимиз байроғи тимсолида пок ниятли халқимизнинг эзгу орзу-умидлари, тинчликсеварлиги, бағрикенглиги, инсонпарварлиги, тарихий қадриятларга, миллий анъаналаримизга бўлган юксак эҳтироми ўз аксини топган. Зеро, юртимизда инсонпарварлик, инсон манфаатлари, унинг қадри ва шаънини юксак тутишдек қадриятга чуқур эҳтиром ила муносабатда бўлинаётганлиги бунинг бир мисолидир.

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда фуқароларнинг Конституция, қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш бўйича кенг кўламли ишлар, эзгу саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Аслида, миллий қадриятларимиз рамзи саналмиш байроғимиздаги тимсоллар ҳам моҳиятан, қон-қонимизга сингиб кетган ана шундай бебаҳо инсоний фазилатларни ифода этади.

**Л**ўнда қилиб айтганда, давлатимиз байроғи ҳар биримизнинг фахру ғururimiz тимсоли, тинч ва осойишта, озод ва эркин ҳаётимиз рамзидир. У мамлакатимиз мустақиллигини эътироф этиш билан бир қаторда, эришган ютуқларимиз сабаб жаҳон узра баланд ҳилпираган маҳал қалбларни чексиз фахр-ифтихорга, ғурурга тўлдиради.

**Қобил ХИДИРОВ.**

---

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугун мамлакатимизда тузилаётган ҳар бир оила никоҳнинг ихтиёрийлиги, тарафларнинг никоҳ ёшига етганлиги, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлардан холилиги ҳамда шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтганликлари каби шартларга асосланади. Маълумотларга кўра, мамлакатимизда ҳар йили 230-235 минг атрофида ёш (янги) оила вужудга келиб, ўртача 700 мингдан зиёд бола туғилади. Юртимиздаги оилаларнинг 35 фоиздан ортиғини ёш оилалар ташкил этади. Ва айнан мана шу ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида республикамизда кенг кўламли тадбирлар бажарилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасига биноан, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-она元ларининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради.

Фарзанд учун, аслида, ота-онанинг ғамхўрлигидан устунроқ ғамхўрлик йўқ. Лекин жамиятда тақдир тақозоси билан етим бўлиб қолган, ота-онасининг васийлигидан маҳрум бўлган болалар борки, улар ҳақида давлат ва жамият қайғуради, уларнинг моддий таъминоти, тарбияси, ўқишига ғамхўрлик қилинади. Бунда ишни бир томондан давлат ҳокимият идоралари бажарса, иккинчи томондан фуқаролик жамияти институтлари сифатида болалар, ёшлар ташкилотлари ёки ижтимоий ҳимояга йўналтирилган жамоат бирлашмалари болаларга оид хайрия ишларини амалга оширишлари мумкин. Бу, ғамхўрлик оғушидаги шахсда жамиятга нисбатан соғлом фикр шаклланади, деганидир.

Асосий Қонунимизнинг 65-моддаси юқоридаги нормаларни мантиқан давом эттиради: «Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади». Оила кодекси ва қонунчиликда назарда тутилган нормалар воситасида мазкур қоидалар амалга оширилади. Хусусан, Меҳнат кодекси, Фуқаролик кодекси, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги ва бошқа қонунларда оналарга Конституция билан берилган ҳуқуқ ва имтиёзлар ўз ифодасини топибгина қолмай, балки бу ҳуқуқ ва имтиёзларни муҳофаза қилиш усуллари ва чоралари ҳам белгиланган.

Шунингдек, Оила кодексининг 4-моддасига мувофиқ, оталик ҳам давлат ҳимоясидадир. Бу биринчи галда боланинг насл-насабини аниқлаш билан ифодаланади. Отанинг фамилияси ва исми болага ўтиши қонун билан белгиланади ва муҳофаза қилинади. Болага таълим ва тарбия беришда отанинг ҳиссаси онаникидан кам эмас. Бу борада ота-она зиммасига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 64-моддасининг биринчи қисмига биноан, баб-баравар мажбурият юклатилади.

Мазкур нормани ҳаётга татбиқ этиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари, ҳукуматимизнинг чора-тадбирлари қабул қилинмоқда. Бу тадбирлар, пировардида оилаларга, аёлларга, кўп болали ва ёлғиз оналарга соғлом авлодни тарбиялаш учун замин яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 66-моддаси вояга етган фарзандлар ва уларнинг ота-оналари ўртасида ҳуқуқий кўприк вазифасини бажаради, десак муболаға бўлмайди. Унга кўра, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар. Ота-онанинг вояга етмаган фарзанди олдидаги, шунингдек, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари олдидаги моддий ва маънавий таъминлаш бурчлари авлоддан-авлодга ўтиб келган анъана, шу билан бирга, унинг ҳуқуқий асослари давлатнинг энг устувор қонуни — Конституцияда мустаҳкамланганлиги эътирофга моликдир. Зеро, ҳуқуқий давлатда оилавий муносабатларга оид ахлоқий нормалар ҳуқуқий қоидалар билан узвий боғлиқдир.

Оила муҳофазасини таъминлаш бўйича ҳуқуқий қоидаларнинг Асосий Қонунимиз — Конституцияда ҳамда унинг асосида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топганлиги, фуқароларнинг оила олдидаги ўз масъулиятларини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг қай даражада бўлиши оилада ўсиб-улғаяётган фарзанднинг камолотига ҳам бевосита боғлиқдир.

**Эркин ЭРГАШЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходими.**

---

# ОСОЙИШТАЛИКНИНГ НАВҚИРОН ПОСБОНЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Олий курсда курсантларнинг назарий билими билан бир қаторда амалий кўникмаларини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида аҳамият берилади. Замонавий компьютер ва лингафон, жанговар-тактик машғулотларни ўргатиш, спорт машқлари олиб бориш хоналари улар ихтиёрида. Бунда ўқитишнинг самарали усуллари, мультимедиа ва замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилмоқда.

Мазкур курснинг навбатдаги битирувчиларига диплом ва кичик сержант унвонларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, битирувчиларнинг ота-оналари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида юртимизда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим бўғини бўлган ички ишлар идоралари тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади.

— Юртимизда ёшлар камолоти йўлида кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик бизни шижоат билан ўқиш ва меҳнат қилишга ундайди, — дейди Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курси битирувчиси Манзура Турдибекова. — Шу боис биз эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини асраб-авайлаш, юртдошларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифани адо этиш йўлида бутун куч-ғайратимизни аямаймиз.



**Н. АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**
**А. АБДУЛЛАЕВ**
**олган сурат.**

---

# «БИЗ — ОРОЛ БОЛАЛАРИГА»

***«Экосан» халқаро ташкилоти ташаббуси билан Тошкент давлат циркида ўтказилган экофестиваль шундай номланди.***

Таъкидландики, Орол денгизининг қуриши давримизнинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Унинг оқибатида юзага келаётган экологик муаммоларни ҳал этиш, минтақа аҳолисига таъсирини бартараф этиш масаласига Ўзбекистон ташаббуси билан бир қатор хорижий давлатлар, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда лойиҳалар амалга оширилмоқда.

▼ **Экофестиваль**

Хусусан, жорий йилнинг март ойида Тошкентда ўтказилган халқаро конференция шу масалага бағишланган бўлиб, у жаҳон ҳамжамияти эътиборини яна бир бор Орол инқирози ва ижтимоий-экологик муаммоларни ҳал этишда ҳамкорликни кучайтиришга қаратилди.

Конференция иши якунлари бўйича донор ташкилотлари томонидан тақдим этилган лойиҳалар рўйхатига Оролбўйи ҳудудидаги аҳолига юқори малакали тиббий, консультатив ва инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатишга қаратилган «Экосан» саломатлик поезди» лойиҳаси ҳам киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, донор ташкилотлари ва дипломатик корпус вакиллари, халқаро ва жамоат корхоналари мутахассислари иштирок этган экофестивалда "Саломатлик поезди"ни ташкил этиш масаласи муҳокама этилди. Унда ҳомийлик ёрдамлари кўрсатиш ташаббуси билан чиққан бир қатор хорижий ва маҳаллий ташкилотлар номи маълум қилинди.

Тадбир доирасида ташкил этилган мактаб ўқувчиларининг «Орол – болалар нигоҳида» мавзуидаги расмлар кўргазмаси ҳамда Орол табиатига бағишланган фильмлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

**С. РАҲМОНОВ.**

---

# ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁ МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Ўзбекистон чегаралараро оқиб ўтадиган дарёларнинг сувидан фойдаланиш, хусусан, гидроэлектростанция иншоотларини қуриш билан боғлиқ бўлган қарорлар атроф-муҳитга зарар етказмаслиги ва қуйи оқимда жойлашган қўшни давлатлар манфаатларини чеклаб қўймаслиги керак, деб ҳисоблайди, — дейилади мақолада. — Шунинг учун ушбу дарёлар сувидан фойдаланиш, жумладан, гидротехника иншоотларини барпо этиш борасидаги қарорлар халқаро ҳуқуқнинг тан олинган меъёрлари асосида мамлакатлар аҳолисининг манфаатларини инобатга олган ҳолда қабул қилиниши лозим».

Индонезияда нашр этиладиган **«Friends of Indonesia» («Индонезия дўстлари»)** журналининг сўнгги сонида ҳам Ўзбекистонга бағишланган мақола чоп этилди.

Унда Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётининг турли қирралари ёритилган бўлиб, мамлакатнинг мустақиллик йилларидаги ривожланиши, жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олган ислоҳотларнинг амалга оширилиши атрофлича таҳлил қилинган.

«Кенг қамровли ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида Ўзбекистон муваффақиятли тарзда тараққий этаётган мамлакатларнинг энг илғор тажрибаларини ўрганди ва амалиётга татбиқ этди, — деб ёзади нашр. — Шу билан бирга Ўзбекистон халқнинг миллий қадриятлари, удум ва анъаналарни сақлаб қолиб, миллий менталитетга эҳтиром билан муносабатда бўлди».

Мамлакатимизнинг истиқлол йилларида эришган ютуқлари ҳақида гапирар экан, журнал ўзбек давлатчилигида илк бор икки палатали парламент ташкил этилганига эътибор қаратади. «Айни пайтда Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ва иқтисодиёт соҳаларида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилишда давом этаётган бўлиб, жамиятни либераллаштириш ва демократлаштириш аҳоли турмуши, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларига жадал кириб бормоқда», дея таъкидланади мақолада.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши ҳам журнал эътиборидан четда қолмаган. «Ўзбекистонда амалга оширилган ислоҳотлар иқтисодиётнинг жадал суръатда ўсишига олиб келди. Хусусан, охирги беш йил ичида ялпи ички маҳсулот етти фоизга, 2007 йил ва 2008 йилнинг биринчи ярмида эса тўққиз фоизга ўсган» — дейилади журналда.

Мақолада ўқувчилар эътиборига, шунингдек, юртимиздаги таълим, соғлиқни сақлаш, соғлом ва ҳар томонлама ривожланган авлодни ўстириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар ҳақидаги қизиқарли мақолалар ҳавола этилган.

Покистонда инглиз тилида чоп этилувчи **«The Post»** газетасида жорий йил октябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган IV Халқаро пахта ярмаркасига бағишланган қатор мақолалар эълон қилинган.

«Ўзбекистон пахта экспорти бўйича дунёда етакчи ўринларни эгалламоқда» сарлавҳали мақолада таъкидланишича, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ташкил этилган пахта ярмаркаси ўзбек пахта толасини экспорт қилиш географиясини кенгайтириш ва уни дунё бозорига оптимал тарзда етказиб беришнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган.

«Ярмарка иштирокчилари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда, — дейилади мақолада. — Жумладан, 2005 йилда ушбу анжуманда 30 та мамлакатнинг 170 та компанияси вакиллари иштирок этган бўлса, бу йил унда дунёнинг 34 та давлатидан 300 та йирик фирма ва компанияларнинг 400 дан зиёд вакиллари қатнашди. Ярмарка иштирокчилари сафида пахта толасининг энг йирик истеъмолчилари бўлган Хитой, Россия, Туркия, Ҳиндистон, Покистон вакиллари бор эди».

«Ўзбекистон еткачи пахта бозорига айланмоқда» — «The Post» саҳифасида эълон қилинган яна бир мақола ана шундай номланган. «Ўзбекистон пахтасига жаҳон бозорида талаб катта, — деб ёзади нашр. Ўзбекистон пахта толасининг сифати энг юқори даражадаги дунё талабларига жавоб беради. Пахтанинг турли навларини яратиш билан шуғулланувчи олим ва генетиклар жаҳон бозорига сифатли ва харидорбоп маҳсулот етказиб берадиган Ўзбекистон имижини юқори даражада сақлаб туришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда».

«Ярмарка доирасида иштирокчилар пахтани сотиб олишдан бошлаб энг охирги манзилга етказиб беришгача бўлган босқичларни ўз ичига олган шартномаларни имзолади. Бугунги кунда Ўзбекистонда пахта харидори учун зарур бўлган барча хизмат турлари кўрсатилмоқда. Айнан шу мақсадда мамлакатда 22 та махсуслаштирилган пахта терминаллари фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларнинг бештасида йирик миқдордаги юк сақлаш омбори мавжуд. Уларда бир вақтнинг ўзида 400 минг тонна пахта сақланиши мумкин. Пахта хом ашёсини жаҳон бозорига етказиш инфратузилмасини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон янада қулайроқ транспорт йўналишларини шакллантириш борасидаги ишларни давом эттирмоқда», деб ёзади нашр.

**«Жаҳон» АА.**

---

(Давоми. Боши 1-бетда).

# Тиббий соҳа ривожи йўлида

Юртбошимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг миллий модели ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Тармоқда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, замонавий даволаш ва ташхис қўйиш технологияларининг жорий этилиши аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ф. Назиров ва бошқалар давлатимиз томонидан тиббиёт ривожига қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик, соҳа ходимлари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида тўхталдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари асосида 2009-2012 йилларда маҳаллий касалхона ва поликлиникаларни реконструкция қилиш, уларни янги тиббиёт ускуналари билан таъминланган замонавий даволаш масканларига айлантириш борасидаги вазифалар муҳокама қилинди.

**А. ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Ёнғин тўхтамаяпти



**_АҚШнинг Калифорния штатидаги ўрмонларда юзага келган ёнғин туфайли 500 дан ортиқ дала ҳовлининг кули кўкка совурилди, дея хабар беради "Ассошиэйтед пресс" ахборот агентлиги._**

Манбада келтирилишича, кучли эсаётган шамол олов тафтини босишда бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. 10 мингдан зиёд фуқаролар хавфсиз жойга кўчирилди.

Айни пайтда табиий офат кузатилаётган ҳудудда фавқулодда ҳолат эълон қилинган.

## Кўприк қулаб тушди

**_"BBC News" берган ахборотга кўра, Ҳиндистоннинг Кашмир штатида қурилиши қарийб тугалланган кўприк қулаб тушган._**



Натижада бир киши ҳалок бўлган. Йигирмадан ортиқ қурувчининг эса тақдири номаълумлигича қолмоқда.

Айни пайтда воқеа жойида қидирув-қутқарув ишлари олиб борилмоқда. Ушбу тадбирга Покистон ҳарбийлари ҳам жалб этилган.

Ҳозирча ҳалокат сабаблари аниқ эмас. Айрим экспертларнинг фикрига қараганда, мамлакатда тез-тез кузатилаётган бундай ҳодисаларга техника хавфсизлигига риоя этилмаслиги, шунингдек, сифатсиз қурилиш ашёларидан фойдаланилаётгани сабаб бўлиши мумкин.

## Башорат тўғри чиқмади

**_Мобиль телефонлари ишлаб чиқарувчи дунёга машҳур "Nokia" компанияси маҳсулотлари савдоси жорий йилнинг тўртинчи чорагида кескин тушиши мумкин._**



Таҳлилчиларнинг фикрича, бу ҳолат жаҳондаги иқтисодий инқироз билан боғлиқ. Маълумотларга қараганда, компания 2008 йилда 1,26 миллиард дона уяли алоқа телефони сотишни тахмин қилганди. Бироқ ҳозирга келиб бу борадаги башорат 1,24 миллиард донагача камайган.

Эслатиб ўтамиз, 2007 йилда "Nokia"нинг дунё мобиль телефонлари бозоридаги улуши 40 фоизни ташкил этганди.

## Индонезияда зилзила



**_"Франс Пресс" агентлиги берган хабарга қараганда, Индонезияда Рихтер шкаласи бўйича 7,7 балли зилзила содир бўлди._**

Дастлабки хабарда маълум қилинишича, 2 киши ҳалок бўлган, 25 киши турли даражада тан жароҳати олган. Юзлаб уйлар вайронага айланган.

Табиий офат маркази Сулавеси денгизининг 10 километрлик тубида қайд этилган.

## Инқирозга қарши кредит



**_Покистон Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) билан 7,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида кредит олиш юзасидан келишувга эришди, дейилади "Ассошиэйтед пресс" ахборотида._**

Кредит маблағлари 23 ой муддатга ажратилади. Покистон томонининг маълум қилишича, халқаро ташкилотдан олинадиган кредит мамлакатда кузатилаётган иқтисодий инқирозга барҳам бериш учун марказий банк валюта захираларини кўпайтириш ҳамда бошқа мақсадларга йўналтирилади.

**_Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди._**

---


**2008 йил 18 декабрь** — **ЭЪЛОН!** — **соат 10.00 да**

| | | | |
|---|---|---|---|
| ВШ-701 | «Тошкент – Бухоро» Тошкент томонидан | ВШ-896 | «Самарқанд – Учқудуқ» икки томондан |
| ВШ-704 | «Оқтош – Жизмон» икки томондан | ВШ-922 | «Навоий — Қарноб» Қарноб томонидан |
| ВШ-705 | «Мирбозор – Мавлон» икки томондан | ВШ-1038 | «Ғузор – Тошкент» икки томондан |
| ВШ-709 | «Янгиер – Тошкент» икки томондан | ВШ-1086 | «Ангор — Тошкент» Ангор томонидан |
| ВШ-712 | «Ғиждувон – Учқудуқ» икки томондан | ВШ-1089 | «Қамаши — Тошкент» Қамаши томонидан |
| ВШ-715 | «Бухоро – Самарқанд» икки томондан | ВШ-1092 | «Сариосиё – Тошкент» икки томондан |
| ВШ-762 | «Навоий — Тошкент» Тошкент томонидан | ВШ-1108 | «Бойсун — Тошкент» Тошкент томонидан |
| ВШ-764 | «Андижон – Фарғона» икки томондан | ВШ-1094_Т | «Тўрткўл – Тошкент» икки томондан |
| ВШ-783 | «Каттақўрғон – Тошкент» икки томондан | ВШ-784-ЙТ | «Қарши — Навоий» икки томондан |
| ВШ-787 | «Урганч – Самарқанд» Урганч томонидан | ВШ-809-ЙТ | «Зиёдин — Навоий» Зиёдин томонидан |
| ВШ-789 | «Ғиждувон – Тошкент» икки томондан | ВШ-817-ЙТ | «Зомин — Тошкент» Зомин томонидан |
| ВШ-797 | «Жиззах – Тошкент» икки томондан | ВШ-835-ЙТ | «Андижон – Марғилон» икки томондан |
| ВШ-805 | «Самарқанд — Усмат» икки томондан | ВШ-983-ЙТ | «Ғиждувон – Зарафшон» икки томондан |
| ВШ-818 | «Шаҳрисабз — Тошкент» икки томондан | ВШ-1030-ЙТ | «Ғиждувон – Қизилтепа» Ғиждувон томонидан |
| ВШ-827 | «Муғол – Тошкент» икки томондан | ВШ-1117-ЙТ | «Нурота — Сирдарё» икки томондан |
| ВШ-847 | «Нурота – Тошкент» икки томондан | ВШ-1118-ЙТ | «Тўрткўл – Саримой қишлоғи» икки томондан |
| ВШ-848 | «Самарқанд — Термиз» Термиз томонидан | ВШ-1119-ЙТ | «Бухоро — Хазорасп» икки томондан |

**шаҳарлараро-вилоятлараро автобус ва йўналишли такси йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказилади.**

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарлараро йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

**Тендер ташкилотчиси** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича **Идоралараро комиссия**.

**Комиссия манзили:** Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур кўчаси, 3-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар **Идоралараро комиссияга** тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги «Турон» АТБдаги 20210000000745005012 махсус ҳисоб рақами (банк коди 00446, ИНН 202811527, ХХТУТ 97300)га 35 минг сўм ўтказиб, 2008 йил 13 декабргача буюртма беришлари лозим.



**Идоралараро комиссия**
тендер таклифларини 2008 йил 17 декабрь куни
соат 18.00 гача қабул қилади.

**Тендер ўтказиш манзили:**
**Тошкент ш., Шайхонтоҳур к., 3-уй,**
**Ўзбекистон автомобиль ва дарё**
**транспорти агентлиги мажлислар зали.**

**Маълумот учун телефонлар: 241-56-27, 241-18-10.**

1725R/1811


---

**Ромитан тумани Ромитан қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган Чўлибой Холовнинг соғлиқ билан боғлиқ муаммоси бартараф этилиб, қайта туғилгандек бўлди. Гап шундаки, унга вилоят тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси ёрдами билан бепул сунъий кўз гавҳари ўрнатилди. У ҳозирда ногиронликдан қутилиб, ўзи севган соҳада меҳнат қилаётир.**

# ҒАМХЎРЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

**Қонун ва ижро**

Айтиш лозимки, вилоятдаги Чўлибой ака сингари инсонларга ҳомийларнинг кўмаги қўл келмоқда. Мисол учун, кейинги икки йил ичида ҳомийлар кўмагида 170 нафар кишига ана шундай сунъий кўз гавҳари ўрнатилиб, кўриш бахти улашилган.

— Бу ишларнинг барчаси "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун ижроси доирасида амалга ошириб келинмоқда, — дейди вилоят бош тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси раиси Ориф Сафаров. — Мазкур қонун мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг — ғамхўрликнинг ўзига хос ифодаси бўлди, десак сира муболаға бўлмайди.

Тиббий-меҳнат экспертиза комиссияларининг асосий вазифаси беморларни даволаш ишларини назорат қилиш ва шу орқали ногиронликни камайтиришга эришишдан иборат. Шу йўлда астойдил ҳаракат қилаяпмиз. Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган минг нафардан зиёд кишига меҳнат қобилиятини тиклашда кўмаклашганимиз шу йўлдаги саъй-ҳаракатларимиз самарасидир.

Эътиборлиси шундаки, соҳа мутахассислари олис овул ва қишлоқларда тез-тез бўлиб, эҳтиёжмандлар ҳолидан хабар олишмоқда. Мисол учун, кейинги вақтда 700 нафар беморнинг ҳолидан хабар олинган ва уларга тиббий-ижтимоий ёрдам берилган.

— Комиссия шифокорлари мени кўрикдан ўтказишди, — дейди қорақўллик Ўлмас Мухторов. — Уларнинг тавсияси асосида ногиронлик аравачаси берилди. Шу ишнинг тепасида турган барча инсонларга раҳмат! Кўча-кўйга чиқиш, қўшнилар билан дийдорлашиш имконига эга бўлдим. Бундан жуда мамнунман!

Маълумотларга кўра, шу йилнинг ўтган даврида 84 нафар кўнгли шикаста инсонларга ногиронлик аравачалари берилган. Шунингдек, 170 дан ортиқ беморга протез-ортопедия, 110 нафарига эса реабилитация воситалари ажратилган. Бу эса ғамхўрлик кўлами кундан-кунга кенгайиб бораётганлигини кўрсатади. Зеро, дардмандларни қўллаб-қувватлаган, уларга меҳр кўзи билан боқиб, шикаста дилларни овлаган жамият энг одил ва инсонпарвар жамиятдир.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

**Анжуман**

**_Миробод туманида "Оила шаъни — муқаддас!" мавзуида анжуман ўтказилди._**

## ОИЛА ШАЪНИ — МУҚАДДАС

Унда асосий эътибор оила қуриш бўсағасида турган ёшларнинг ҳуқуқий, маънавий-маърифий, ижтимоий ва тиббий саводхонлигини ошириш, оила қуришдаги муаммолар ечимини топишга кўмаклашиш, оилавий ажралишларнинг олдини олишга қаратилди.

Тадбирда қатнашган Миробод туманидаги саноат коллежи талабалари ва туман ёшлари оила қонунчилиги, тиббий кўрик, соғлом турмуш тарзининг моҳияти, одам савдоси ва унга қарши курашиш, шунингдек, ҳуқуқий саводхонлик ҳақидаги маърузаларни қизиқиш билан тингладилар.

**Дилфуза ЭРГАШЕВА.**

---


NEW HOLLAND AGRICULTURE

Янги трактор

**New Holland TL 5060**

_Қуввати — 100 от кучига эга._



Кафолат — 1 йил.
Барча вилоятларда сервис хизмати кўрсатилади ва эҳтиёт қисмлари мавжуд.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

**Tel.: 120-60-97, 120-89-58.**

1704R/1761



ООО "CHIRCHIQ TEPLO SYSTEM"
CHTS
ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ
**ҚОЗОНЛАРИ**
Хавфсиз автоматика билан таъминланган
**МОДУЛЛИ ИСИТИШ БЛОКЛАРИ**
Табиий газ, суюқ ва қаттиқ ёнилғи билан ишлайди
маҳсулот сертификатланган
Чирчиқ шаҳри, Кангли кўчаси, 16-«А».
Т/ф. 8 (370 71) 5-61-73, 5-40-62, т/ф. 5-59-87, 314-59-87.
E-mail: chts.uz@mail.ru



**ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР**
**ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ**
**КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"**
РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ.
КПД ОТ 79 ДО 90%
**а также:**
товар сертифицирован форма оплаты-любая
**КАФЕЛЬ**
(облицовочный и напольный)
**САНТЕХНИКА**
(унитазы , умывальники в большом ассортименте)
**ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ**
**Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04**
Торговый магазин ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127
zakamsk-group@mail.ru


---


**Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги**

**Чет элларга кетаётган фуқароларни олдиндан кўниктириш ва ўқитиш маркази**

**республикамизнинг истаган фуқароларини Жанубий Корея Республикаси эркин ёллаш тизими талабларидан келиб чиққан ҳолда корейс тили бўйича**

**25 кунлик ўқув курсларига таклиф қилади.**

_**Ўқув дастурларини муваффақиятли тамомлаган фуқароларга гувоҳнома (сертификат) берилади.**_

**Ушбу ўқув курсини якунлаган фуқаролар диққатига!**
Ўқув маркази фуқароларни тест синовидан ўтиш ва Корея Республикасига бориш кафолатини бермайди.

**Гуруҳлар 2008 йил 21-24 ноябрь кунлари мобайнида Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Шифокорлар шаҳарчаси, Қамарнисо кўчаси, 37-уй (марказ жойлашган бино)да ташкил қилинади.**

Вилоятлардан келган фуқаролар кам миқдорда ҳақ тўланадиган ётоқхона билан таъминланадилар.

**Маълумот учун телефонлар: 214-88-92, 214-88-32.**

_МАРКАЗ МАЪМУРИЯТИ._



ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**«ТОШКЕНТ ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ» ОАЖ**



**электр энергиясининг барча истеъмолчиларига 2008 йил 1 январда тузилган электр энергияси етказиб бериш ва ундан фойдаланиш шартномаларининг амал қилиш муддати жорий йилнинг 31 декабрида тугаши муносабати билан 2009 йил учун янгидан шартномалар тузилиши лозимлиги тўғрисида маълум қилади.**

Шартнома тузиш учун электр энергиясининг истеъмолчилари объект жойлашган манзил бўйича энергия билан таъминловчи ташкилотга мурожаат қилишлари зарур.

Шартномалар қуйидаги талаблар бажарилганда тузилади:

- _ҳисоб-китоб нуқталарида замонавий электрон ҳисоблагичлар ўрнатилган тақдирда;_
- _2008 йилда амал қилаётган шартнома бўйича истеъмолчининг муддати ўтган дебитор қарзлари мавжуд бўлмаганда._

Юқорида кўрсатиб ўтилган шартларни бажармаган корхона ва ташкилотлар билан 2009 йилга шартнома тузилмайди ҳамда уларга электр энергиясини етказиб бериш тўхтатилади.

«Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» маъмурияти.



**ООО "Росагропромснаб" предлагает:**

**СЧЕТЧИКИ ГАЗА**

**ультразвуковые "Гобой-1"**

**Цена - от 1 300 000 сум.**



ТЕПЛОПРИБОР

| Ду, мм | Типоразмер | Мин. расход, Qмин, м³/час | Максим. расход, Qмин, м³/час |
|---|---|---|---|
| 25 | G10 | 0,16 | 16(25) |
| 40 | G25 | 0,40 | 40(65) |
| 65 | G65 | 1,00 | 100(160) |

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия.
Гарантийный срок на продукцию - 12 месяцев со дня установки.
Отдельно предприятие поставляет фильтры различных диаметров.

Товар сертифицирован

**Т./ф.: 273-16-40, 276-91-87**
Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-л Ц, д. 6 (ор-р - перекресток "Шухрат")


Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги жамоаси Лицензиялашни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Улуғбек Султоновга падари бузруквори
**МЕЛИБОЙ отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва давлат бюджетининг касса ижроси департаменти директори ўринбосари Худойберди Бозорбоевга онаси
**ХАЙРИ аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг жамоаси, "Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Ахборотномаси", "Вестник Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан" таҳририятининг бош муҳаррири Камол Убайдиллоевга падари бузруквори
**ИСМОИЛ отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



**Эртанги истиқболни бугунги зукко, етук билимли, аниқ мақсадли ёш авлод тимсолида кўрамиз. Шу боис, уларнинг малакали мутахассислар бўлиб камолга етиши учун юртимизда замон талабига монанд барча шарт-шароит муҳайё қилинган. Бинобарин, истиқлол фарзандларининг онгу тафаккуридаги ўзгаришларнинг барчаси таълим-тарбияга, эртанги кунимизнинг янада фаровон бўлишига қаратилаётган эътибор самарасидир.**

# КЕЛАЖАККА МУНОСИБ АВЛОД

Конституциямизнинг 41-моддасида қайд қилинганидек, "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади..." Бу борада, айниқса, узлуксиз таълим тизимида вужудга келган маърифат кошоналари — академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари фахру ғууримизга айланиб улгурди.

Ушбу таълим муассасаларида келажакка интилган, кўзлари ёниб турган янги авлод мустақил ҳаётга тайёрланмоқда. Уч йиллик ўқиш давомида замонавий касб ва дунёқараш эгаси бўлган, хорижий тилларни пухта биладиган ёш авлод ҳаётга кириб келмоқда. Уларнинг ҳар бири ўзига хос дунёқарашга эга. Фикру зикрида келажак учун керакли мутахассис бўлиб етишиш истаги мужассам. Бундай ёшларнинг ғайрату шижоатига гувоҳ бўлиш асносида Президентимизнинг ғурур билан таъкидлаган мана бу сўзларига дил-дилдан иқрор бўламиз: "Кимки бизнинг ишимизга баҳо бермоқчи бўлса, ана шу ёшларга, уларнинг онги ва дунёқарашига боқсин!"

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўрсатилганидек, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро фаол алоқаси таъминланиши устувор йўналиш сифатида белгиланган. Бундан мақсад — замон талабига мос кадрлар базасида рақобатга чидамли пишиқ-пухта, ёш мутахассисларни тарбиялашдир.

Ёдингизда бўлса керак, илгари техникумда таҳсил олаётган ўқувчи ўз ихтисослиги бўйича амалиёт ўтамоқчи бўлса, завод-фабрикаларга бориб, иш жараёнига халақит бермаслик шартига кўра, ускуналар билан шунчаки танишиш имконига эга эди, холос. Ҳозир эса деярли ҳар бир касб-ҳунар коллежининг ўз моддий-техника базасига эга эканлиги ўқувчиларнинг бевосита таълим масканининг ўзида амалиёт ўташини таъминламоқда. Қолаверса, бу ерда у замонавий ишлаб чиқариш техник ускуналарини ўзи бошқариб, маҳсулот ишлаб чиқаради. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг: қай бир ҳолда бўлғуси мутахассис ўзи танлаган касбга кўпроқ қизиқади? Албатта, таълим жараёнида мураккаб технологиялар илмини сувдек ичган ўқувчигина етук мутахассис бўлиб етишади.

## Миллий дастур ниҳоллари

Бандлик борасидаги шу каби вазифаларни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 23 ноябрда "2006-2010 йилларда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини сифатли тайёрлаш ва улар меҳнатидан самарали фойдаланиш бўйича намунавий ҳудудий дастур"и қабул қилинган эди. Унга кўра, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда 2010 йилгача бўлган муддатда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини иш ўринлари билан таъминлаш режаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ касб-ҳунар коллежларида Васийлик кенгаши ташкил этилди. Бундан мақсад – таълим муассасасида кичик мутахассислар тайёрлаш жараёнини самарали бошқариш, ўқув масканининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда малакали кадрлар тайёрлашда самарали ижтимоий ҳамкорликни таъминлашдир.

Ҳозирги ўқувчи ёки талабанинг онгу тафаккурига баҳо берилганида, энг аввало, унинг маънавий қиёфаси, ўтмишдаги аждодлари қолдирган бой меросдан нечоғли баҳраманд эканлиги муҳим мезонлардан саналади. Бу мезон таълим дастурларида устувор ўрин тутади. Беш йилдирки, мамлакатимизнинг барча илм даргоҳларида ҳар ҳафтанинг бир куни "Маънавият соатлари" учун ажратилганлиги маънавий-маърифий тарбия борасида "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган муҳим талабларнинг бажарилаётганидан далолат. Белгиланган "Маънавият кунлари"да ўқувчиларнинг муқаддас зиёратгоҳлар, театр, кино, музей, турли кўргазма заллари каби масканларга бориб, у ерда ўз дунёқарашини бойитиши айни муддаодир. Бу эса, ўз навбатида, ёшларда миллий ғурур, аждодлар ёди ила фахрланиш туйғуларини шакллантиради. Биз кимнинг авлодимиз, тарихда ўтган буюк салафларимизга муносиб бўла олаяпмизми, деган масъулият ҳиссини уйғотади.

Зеро, бугун меҳрибон халқи ва ғамхўр Юртбошимиз меҳру мурувватидан куч олиб униб-ўсаётган йигит-қизлар эртага суянч тоғимизга айланади. Келажакнинг ёруғ манзиллари бизга пешвоз чиққани сайин бу ҳақиқатга тобора амин бўлаверамиз.

**Муродилла ХОЛМУҲАММЕДОВ,**
**Самарқанд вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи.**

# МАДАНИЯТ *хабарлари*

**Ўзбекистон Давлат консерваториясида "Фредерик Шопен асарлари Ўзбекистонда" деб номланган китоб тақдимоти ўтказилди.**

## Дурдона асарлар ҳақида рисола

● Мазкур китобда етук бастакорнинг жаҳон санъати дурдоналари сирасига кирувчи кўплаб мусиқий асарлари ва уларнинг яратилиш тарихи ҳикоя қилинади. Асар «Ношир» нашриётида ўзбек тилида чоп этилган.

— Китобда ёш санъат ихлосмандларини қизиқтира оладиган маълумотлар жамланган, — дейди муаллиф Қосимжон Сўпиев. — Бу борада Польша Республикасининг юртимиздаги элчихонаси, Алишер Навоий номидаги опера ва балет катта театри, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Успенский номидаги мусиқа лицейи каби санъат даргоҳларининг кўп йиллик тажрибага эга бўлган малакали мутахассислари билан ҳамкорлик қилганмиз.

Тақдимот маросимидан сўнг поляк куйлари ҳамда бастакор асарлари асосида концерт дастури намойиш этилди.



## Ёшлик фасли илҳомлари

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг Халқаро маданият карвонсаройида "Ёшлар йили"га бағишланган кўргазма давом этмоқда.**

● Унда ёш иқтидорли рассом Ҳусниддин Бойжумановнинг тасвирий санъат асарлари намойиш этилаяпти. Кўргазмага 80 дан зиёд график асар, акварель ҳамда мойбўёқда ишланган суратлар қўйилган.

— Ижодга муҳаббатим ортишида устозларимнинг хизматлари беқиёс, — дейди рассом. — Айни пайтда Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтида мўйқалам усталаридан сабоқ олаётганим мени янада жўшиб ижод қилишга ундамоқда.

Муаллиф яратган асарлар бадиий ва тасвирий жиҳатдан пухталиги, ўзига хос услубда яратилганлиги билан эътиборни тортади. Қишлоқ манзаралари, юртимизнинг бетакрор табиати, эзгулик ва муҳаббат мавзуси тараннум этилади.

**Муборак ОХУНОВА.**

## «Ситора»нинг санъатдаги сабоғи

**Бухоро вилояти халқ ижодиёти маданий-маърифий ишлар илмий методик маркази қошидаги "Ситора" кинофотостудиясида ёшларга аталған ўқув дарслари ташкил этилди.**



● Мазкур лойиҳа ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти ҳамда Ўзбекистон видеоҳаваскорлар жамияти ташаббуси билан амалга оширилди. Унда умумтаълим мактабларида таълим оладиган санъатга қизиқувчи ёшлар фото ва видео санъатидан сабоқ олдилар.

Бир ҳафталик ўқув дастури машғулотларида ўқувчиларга фото-видео техникалари бўйича маълумотлар берилиб, замонавий санъат асарларини яратишда фото-видео ускуналардан фойдаланиш сирлари ўргатилди. Ўқув жараёнида иқтидори ва санъатга қизиқишини намоён этган ўқувчиларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари тақдим этилди. Улар туширган фото-видео лавҳалар асосида махсус кўргазма намойиш этилди.

**Мухтасар КАРИМОВА.**

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт



**Футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати олий лигаси 28-турида «Андижон»ни қабул қилган Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси рақиби устидан 2:0 ҳисобида ғалаба қозониб, муддатидан олдин чемпионликни қўлга киритди.**

## «Бунёдкор» — чемпион

Учрашувда Сервер Жепаров ҳамда Анвар Солиев томонидан киритилган голлар «қалдирғочлар»нинг ана шу муваффақиятини таъминлади.

Шундай қилиб, чемпионат якунланишига икки тур қолганда 78 очко жамғарган «Бунёдкор» Ўзбекистон миллий футболи тарихида чемпионликка эришган олтинчи жамоа сифатида қайд этилди. Бунгача шоҳсупага «Пахтакор» (8 марта), «Нефтчи» (5), «Дўстлик» (2), «Навбаҳор» ва МҲСК жамоалари кўтарилишган.

## Шахмат усталари беллашмоқда

**Германиянинг Дрезден шаҳрида жаҳон шахмат олимпиадаси баҳслари қизғин давом этмоқда.**

Мусобақанинг иккинчи тури эркаклар терма жамоамиз учун омад келтирмади. Улар кубалик «ақл гимнастикаси» усталарига қарши дона суриб, 1,5:2,5 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйишди. Ушбу турда гроссмейстерларимиз — Рустам Қосимжонов, Саидали Йўлдошев ҳамда Шуҳрат Сафинлар дуранг натижа қайд этишган бўлса, Алексей Барсов мағлубиятга учради. Бироқ учинчи турда ироқликлар билан баҳс олиб борган шахматчиларимиз 4:0 ҳисобида ишончли ғалабани қўлга киритишди.

Аёллар терма жамоамиз эса иккинчи ва учинчи турда Жазоир ҳамда парагвайлик шахматчилар билан баҳс олиб бориб, бир хил — 3,5:0,5 натижа билан ғалабага эришишди.

Тўртинчи турда бразилияликлар билан рўбарў келган эркаклар терма жамоамиз дуранг натижа қайд этишди.

Аёллар терма жамоамиз эса ушбу турда ҳам муваффақиятли юришини давом эттирди. Колумбияликларга қарши дона сурган шахматчиларимиз 3:1 ҳисобида ишончли ғалабани қўлга киритишди.

**Ш. ОРТИҚОВ тайёрлади.**

## Сув парилари мусобақаси

**Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт-соғломлаштириш мажмуасида синхрон сузиш бўйича "Сув париси" халқаро мусобақаси ўтказилди.**

У "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Синхрон сузиш федерацияси томонидан ташкил этилди.

Уч кун давом этган мусобақада юртимиз ҳамда хориждан келган юзга яқин спортчи қизлар ўзаро беллашдилар. Эътиборли жиҳати шундаки, якунда мамлакатимиз вакиллари биринчиликни қўлга киритишди. Ўн уч ёшдан ўн беш ёшгача бўлганлар орасида японияли Канетани Чихаро, жуфтлик баҳсида ҳам Канетани Чихаро ва Ямада Кахо, ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган қизлар ўртасида юртдошимиз Анастасия Здрайковская, жуфтликда Динара Иброҳимова ҳамда Анастасия Здрайковская ғолиб бўлдилар. Ўн саккиз ёшдан катталар орасида ҳам яна бир юртдошимиз — Анастасия Рўзметова ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди.

**Гўзал САТТОРОВА.**

## ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

**Хабарингиз бор, футбол бўйича Саудия Арабистонида ўтказилган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси кумуш медални қўлга киритди. Юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган футболчиларимиз кеча Тошкент халқаро аэропортида катта тантана билан кутиб олинди.**

Тадбирда жамоатчилик вакиллари, футбол ишқибозлари, спортчиларнинг ота-оналари ва яқинлари жам бўлишди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз бошчилигида спортга берилаётган катта эътибор туфайли юртдошларимиз халқаро мусобақаларда иштирок этиб, юксак натижаларга эришишмоқда. Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлари терма жамоасининг қўлга киритган муваффақияти ҳам бунинг яққол далилидир.

Ёдингизда бўлса, футболчиларимиз плей-офф баҳсларида Хитой ва Жанубий Корея каби етакчи жамоаларни мағлуб этиб, финал йўлланмасини қўлга киритишганди. Бош совврин учун ўтган сўнгги беллашувда терма жамоамиз Бирлашган Араб Амирликлари футболчиларига қарши майдонга тушишди. Тенг курашлар остида кечган учрашувда омад БААликларига насиб этди. Амирликлардан шу куни чиройли ўйин намойиш этган Аҳмад Ҳалил Жунаиби дублга эришган бўлса, ўзбекистонликларнинг ягона жавоб тўпи Кенжа Тўраев ҳисобига ёзилди.

### Фахр

Эътиборли жиҳати шундаки, Осиё чемпионати якунида Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига кумуш медаль ва "Fair Play" — "Ҳалол ўйин" совврини топширилди.

— Мана шундай нуфузли мусобақада Ўзбекистон номидан иштирок этиш жамоамизнинг ҳар бир аъзосига чексиз ғурур ва ифтихор бағишлади, — дейди Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси дарвозабони Дониёржон Усмонов. — Албатта, ҳеч бир ўйин осон кечмади. Бир тану бир жон бўлиб қилинган ҳаракат ўз самарасини берди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Самбочиларимиз ютуғи



**Мамлакатимиз спортчилари халқаро мусобақаларда доимо совриндорлар сафидан жой олиб келишади.**

Самбо бўйича Санкт-Петербург шаҳрида ташкил этилган жаҳон чемпионатида ҳам ҳамюртларимиз муносиб иштирок этишди. Муросасиз кечган баҳслар якунида Элдор Ғуломов (90 кг. гача) кумуш медалини қўлга киритган бўлса, Озод Пардаев (68 кг. гача) ҳамда Зариф Расулов (100 кг. гача)лар бронза медали билан тақдирландилар.


РАТБ «Ғаллабанк» томонидан 1 йиллик муддат билан «Фойдали» номли омонат турига маблағлар қабул қилинмоқда.

Омонатга маблағлар 2009 йил 1 январгача қабул қилиниб, уларга йиллик 18 фоиз миқдорида устама ҳисобланади ва фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

«Ғаллабанк» — хонадонингизга барака келтирсин!

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (+99871) 233-71-72, 236-74-30, 232-15-89.
www.gallabank.com Хизматлар лицензияланган

Омонатлар Фукароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.






Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 25557 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.30 78